

С.Дастиров, ТМИ магистранти  
Д.Бабабекова, ТМИ доценти

## ПЛАСТИК КАРТАЛАР ТИЗИМИ ОРҚАЛИ МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада мамлакатимиз банк тизимида пластик карталар орқали масофавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган бўлиб, бу борадаги устувор йўналишларни шакллантиришга доир умумий таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** иқтисодий фаоллик, инвестицион лойиҳа, банк хизматлари бозори, инновацион банк хизматлари, тўлов тизими, масофадан банк хизматлари, электрон тўлов.

В статье рассматриваются теоретико-методологические основы совершенствования предоставления услуг дистанционного банковского обслуживания с помощью пластиковых карт в банковской системе страны, а также даются общие рекомендации и рекомендации по определению приоритетов в этой области.

**Ключевые слова:** экономическая деятельность, инвестиционный проект, рынок банковских услуг, инновационные банковские услуги, платежные системы, дистанционные банковские услуги, электронные платежи.

The article examines the theoretical-methodological foundations of improving the provision of remote banking services by means of plastic cards in the country's banking system, and provides general recommendations and recommendations on how to set priorities in this area.

**Key words:** economic activity, investment project, banking services market, innovative banking services, payment systems, remote banking services, electronic payment.

### КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодий фаолликни ошириш ва ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш жараёнини жадаллаштиришда банк тизимининг ўрни алоҳида аҳамиятга касб этади. Негаки, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини банклар иштирокисиз муваффақиятли амалга ошириш мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки, республика инвестицион фаоллиги-нинг оширилиши ва барқарор иқтисодий ўсишга эришилиши устун даражада банк тизимининг ҳолати ва унинг самарали фаолият юритиши билан боғлиқдир. Республика банк тизимини янада такомиллаштириш хўжалик

юритувчи субъектлар эркинлигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ўз пиравард натижалари учун жавобгарлигини ошириш билан боғлиқ жараёнлар кейинги йилларда сезиларли даражада ривожлантирилмоқда. Бу борада мамлакатимиз иқтисодиётиз олдида турган долзарб вазифаларни комплекс ҳолда баҳолаган давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентта Мурожаатномаси қўйидагича тўхталиб ўтган эди: «Ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари қўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узок муддатли стратегия ишлаб чиқиши лозим. Бунда банк тизимиға хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб борамиз. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қиласди»[1].

Дарҳақиқат, банкларнинг келажагига кенг миқёсли (глобал) шарт-шароитлар билан бир қаторда банклараро ўзаро муносабатлар, мижозлар ва рақобатчилар билан муносабатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Банк стратегиясини тўғри танлашга қўмаклашуви омилларини аниқлашда рақобатчилар билан бўладиган ўзаро муносабатларга муҳим ўрин бериш талаб этилади. Бунда рақобатчиларни таҳлил этиш билан бирга, банкнинг рақобатбардош-лигини оширишга асос яратувчи масофавий банк хизматларини банк тизимиға жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айниқса, бу борада банк пластик карталаридан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ муносабатлар мамлакамиз иқтисодиёти олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Банк хизматлари бозори ва уни ривожлантиришда инновацион хизматларни ташкил этишининг ўзига хос йўналишлари хорижлик иқтисодчи олимлардан А.В.Тютюник, А.В.Турбанов[2], А.В.Котов[3], Р.Л. Миллер, Д.Д. Ван-Хуз[4], С.Р.Моисеев[5] илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлардан Ё.Абдуллаев, Т.Қоралийев Ш.Тошмуродов, С.Абдуллаева[6], А.А.Омонов[7], О.Мамадиёров, Б.Турсуновларнинг[8] илмий изланишларида тижорат банклари хизматларини ташкил этишда пластик карталардан фойдаланиш билан боғлиқ масала-ларнинг айrim йўналишлари тадқиқ қилинган. Аммо, ушбу тадқиқот ишларида банк хизматларини ривожантариб бориш билан боғлиқ жараён-ларда банк пластик карталаридан мақсадли фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу борада мижозлар учун хизматлар қўламини ошиб бориш билан боғлиқ

жараёнлар тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолатлар мазкур тадқиқот ишини олиб боришга асос бўлди.

## ТАХЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва чуқурлаштириш жараёнида тўлов тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ҳисоб-китоблар механизмини изчиллигини таъминлашни талаб этади. Мазкур жараён тўлов тизими билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, мамлакат миқёсида товар-пул муносабатларининг самарали амал қилиши таъминлайди. Тўлов тизимининг бош мақсади-иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўладиган мажбуриятлар юзасидан тўловларни тўлиқ, тез ўтказиш ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилганилиги сабабли товар-пул муносабатларини тараққиёти учун хизмат қиласи.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг “Бош мақсади ва асосий вазифалари” деб номланган З-моддасида унинг бир қатор вазифалари билан бирга, “Марказий банкнинг ҳисоб-китобларни самарали ташкил этиш” вазифалари кўрсатилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки мамлакат тўлов тизимини ташкил этади ва бошқаради. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни барча субъектлар учун мажбурий шаклларин ва ҳужжатлар турини белгилайди ва ташкил этади, электрон тўловларни амалга оширишни ташкил этади, шунингдек тўловларни амалга ошириш бўйича юзага келадиган хатарларни олдини олиш бўйича зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва тўловлар хавфсизлигини таъминлайди.


Республикамизда охирги йиллар давомида Марказий банкнинг банклар-аро тўлов тизими орқали банк ўтказмаларининг сони ва ўтказилаётган маблағларнинг ҳажми ортиб бориши натижасида тўлов тизими айланмаси-нинг бекиёс даражада ўсиши, ҳамда тўлов тизими ичида пул маблағларининг бир жойдан иккинчи жойга тез ўтказилишини таъминламоқда.

Республика банк-молия тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳот-лар, жорий этилаётган янги воситалар, хизмат турлари, банк тизимининг такомиллашаётгани унинг бақарорлигини таъминлаб, иқтисодий фаолликни жадаллаштириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишдаги рағбатлантирувчи ролини янада кенгайтиришга хизмат қиласи. Ушбу муҳим тадбирлар қаторига яна республика иқтисодиётини модернизациялаш, диверсификациялаш, инновацион технологияларни кенг кенг қўллаш

фаоллаштиришдаги шароитда иқтисодиёт ва аҳолининг ҳисоб-китоб ва депозит хизматлари ҳамда пул-кредитга бўлган талабини тўлиқ қондириб бориш, нақд пулсиз ҳисоблар тизимини, жумладан, пластик карталар муомаласини кенгайтириш, кўрсатилинаётган хизмат турларини кўпайтириш, уларнинг сифатини янада ошириш борасида амалга оширилаёт-ган дастурларни киритиш мумкин.

Хусусан, банк тизимида пластик карталар тўлов тизимини ривожлантириш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли-банк пластик карталари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштиришда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони ҳам, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бориши таъминланмоқда.

Мамлакатимизда ҳам жаҳон андозаларига мувофиқ ҳолда масофавий банк хизматларини ташкил этишга қаратилаётган юксак эътибор туфайли масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич сўнги 4 йил мобайнида қарийб 10 баробар ўсиш кўрсат-кичини қайд этгани ушбу хизмат турининг сифат кўлами юқори кўрсаткичга эга эканлигидан далолат беради.



**1-расм. 2016-2019 йилларда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг умумий сони (1 январь ҳолатига нисбатан )[9]**

Шу билан бир қаторда 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисоб ва рақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 1961 мингтани, шундан «Интернет-банкинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар 91,5 мингтани, «Мобиль-банкинг» ва «СМС-банкинг» хизматларидан фойдаланувчилар 986,5 минг-тани ташкил этиб, уларнинг сони 2016 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ортган.

2016 йилнинг 1 январидан 2019 йилнинг 1 январ оралиғигача бўлган даврда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг умумий сурати қарийб 10

баробарга ортган. Агарда, юқоридаги маълумотларга асосан чуқурроқ қаралса банк-мижоз ва интернет банкинг хизмаларидан фойдала-нувчилар асосан юридик шахслар, чунки ушбу хизмат турининг абонент тўлови ва хизмат ҳаққи бироз юқори. SMS-банкинг ва мобилъ банкинг хизматларидан фойдаланувчилар жисмоний шахслар ҳисобланиб, улар учун ушбу хизмат тури қулайлиги ва арzonлиги билан ажralиб туради.

Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони охирги бир неча йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлди ва бу жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали амалга оширган транзакциялари суммаси ўсиш тенденциясининг юзага келишига имкон яратди. Умумий қилиб айтганда банк карталари билан операциялар ривожланиб бориб, республикамизнинг барча худудларида банк пластик карталари билан боғлиқ барча кўрсаткичларнинг ўсишига замин яратди. Шундай қилиб, республикамиз тўлов тизимининг ривожланишини таъминловчи техник ва технологик тизимдаги катта муваффақиятларнинг қўлга киритилиши қузатилмоқда. Бу эса, биринчи навбатда молиявий бозор активлигининг ўсишига ва иқтисодиётдаги тўловларнинг тезлашувига ёрдам беради. Шунинг учун тўлов тизимини доимий равишда янада такомиллаш-тириб бориш давр талаби ҳисобланади.

Мамлакатимизда тўлов тизмини такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларини янада тезлаштириш мақсадида хукumatимиз ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўплаб ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли Қарори билан республика “Электрон хукumat” тизимининг комплекс ахборо тизимлари таркиби Марказий банкнинг “Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш” лойиҳаси ҳам киритилган бўлиб, мазкур Клиринг тизими 2014 йил амалиётга тадбиқ этилиши белгиланган эди.

Янги тизимни яратишдан мақсад унга тижорат банклари филиаллари, кассалари ва Банклар ассоциацияси қошидаги Ягона Умумреспублика Процессинг марказини улаган ҳолда, жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тшловларни, шунингдек коммунал хизматлар ва мобил алоқа операторлари учун тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имкониятини яратишдан иборат эди. Лойиҳа бир неча босқичда амалга оширилди.

Республикамизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технология-ларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг 2016-2018 йилларга мўлжаллан-ган Концепцияси” ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бош мақсади - Марказий банк ва тижорат банкларида замонавий ахборот коммуникация тизимларини жорий қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизими таркибига киритилган банк ахборот тизимларини ўз вақтида ишга тушириш, иш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш ва ахборот алмашувини уйғунлаштириш, замонавий банк ахборот тизимларининг самарадорлигини ошириш ҳамда банкларр томонидан аҳоли, тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларига кўрсатиладиган хизмат турларини, жумладан, интерактив хизматларни кенгайтириш ҳамда банк хизматлари сифатини оширишдан иборат.

Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш Клиринг тизимидан фойдаланишни кенг тадбиқ этиш ва хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг биллинг тизимини мослаштириш, банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш, банкларда ахборот-технологияларини такомиллаштириш шароитда хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш каби бир қатор масалаларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Концепцияга асосан, яқин йиллар давомида тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган пластик карталар сонини 1,2 марта, савдо ва хизмат кўрсатувчи обьектларда ўрнатиладиган тўлов терминаллари сонини 1,15 марта кўпайтириш режалаштирилган. Бунга эришиш учун амалга оширилган ишлар билан бирга яна бир қатор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади, яъни:

- “On-line” режимида ишлашга мўлжалланган терминалларнинг сифатли ишлашини таъминлаш мақсадида Ягона Процессинг Марказининг сервер тизими ва алоқа каналларининг сифатли ва узилишларсиз ишлашини таъминлаш чораларини кўриш;

- Аҳолига хизмат кўрсатадиган барча турдаги транспорт воситаларида биринчи навбатда метро ва бошқаларда йўл ҳақларини банк пластик карталари ёки маҳсус транспорт карталари орқали тўлашни жорий этиш;

- Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектларини “On-line” карталарига хизмат қилувчи терминаллар ва инфокиосклар билан етарли даражада таъминлаш;

- Клиринг тизими инфраструктурасида ахборот муҳофазаси ва хавфсизликни ҳамда ахборот тизимларининг самарали ишлашини таъминлаш;
- Коммунал хизматлар учун тўловларни реал вақт режимида амалга оширишни таъминлаш мақсадида мижозларга масоғавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларини янада такомиллаштириш.

## **ТАКЛИФ ВА ХУЛОСАЛАР**

Юқорида келтирилган хулосалар атрофлича ўрганилиб чиқилгач, мамлакатимизда банк пластик карталаридан самарали фойдаланиш ва масоғавий банк хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Тижорат банклари томонидан пластик карталар тизими орқали кўрсатилинаётган хизматлар тўғрисида банкка ташриф буюрган ҳар бир мижозга ушбу хизматни таклиф этиш ва маҳсус видео роликлар яратган ҳолда банк муассасаларининг тегишли кутиш залларида қўйиб кўрсатиш, интернет сайти орқали оммага янада кенгроқ таништириш;

2. Банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масоғадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкинг», «Интернет-банкинг», «Мобил-банкинг») фойдаланиш учун маҳсус дастурлар имкониятларини кенгай-тириш;

3. Масоғадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимларнинг мураккаброқ тизимларини, яъни мижозларга кредит олиш учун буюртма тузиш, кредит ва депозит фоизларини ҳисоблаш калькулятори, ҳамда мижознинг ўз ҳисобварагларига доир ахборотни ўз компьютерига киритиш, қўшимча банк хизматларини яратиш имкониятларини ривожлантириш;

4. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб этиш ҳамда банк даромадлилигини ошириш ва улар хизматлари турларини кўпайтириш мақсадида мамлакатимиз банкларида масоғадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланишни (интернет-банкинг, онлине-банкинг), «банк-мижоз» тизимлари (ПС-банкинг, хоме-банкинг, телефоне банкинг), мобил-банкинг тизимлари (СМС-банкинг, адвансе СМС-банкинг, СТК-банкинг, Жава-банкинг, УАП-банкинг) каби замонавий банк хизмат турларини янада ривожлантириш;

5.Интернет-банкинг хизматида таклиф этилаётган хизматлар сонини кўпайтириш ва тизимни банк бухгалтерияси билан интеграциялашган ҳолатда ишлашини таъминловчи шароит яратиш;

6. Масоғадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимларнинг мураккаброқ тизимларини, яъни мижозларга кредит олиш учун буюртма тузиш, кредит ва депозит фоизларини ҳисоблаш калькулятори, ҳамда мижознинг ўз

хисобвақларига доир ахборотни ўз компьютерига киритиш, қўшимча банк хизматларини яратиш имкониятларини ривожлантириш;

7. Тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган Интернет-банкинг хизмати фаолиятида жисмоний шахсларга кўпроқ эътибор қаратиш ҳамда уларга янгила қулайликлар яратиш, бевосита интернет сайтидан туриб рўйхатдан ўтиш ҳамда хизматни ишга тушириш имконини яратиш, онлайн хизматларнинг муддати ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида тўловларни текшириш қисмини янада соддалаштириш ҳамда ишчилар ўртасида ҳужжатлар билан ишлаш вақтини тўғри тақсимлаш;

8. Банкларимиз фаолиятида онлайн кредитлар ва омонатлар бўйича операцияларни бошлиш ва юритиш имконини берувчи шароитни яратиш ва

банк тегишли ижрочи ва раҳбар ходимлари учун ҳақиқий имзога тенглаштирилган электрон имзо кўринишидаги шаклни жорий этиш ва қатъий белгилаш;

9. Тижорат банклари ишончли мижозлари учун бевосита экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда Интернет-банкинг хизмати орқали ишлаш имконини яратиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар барча банклар томонидан тизимли амалга оширилиши, электрон тўловлар ва электрон тижорат бўйича ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш банк мижозларига сифатли банк хизматларини кўрсатишни таъминлаш билан бирга, Ўзбекистон банк тизимининг муқаррар юксалишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлисга Мурожаатномаси  
<http://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeev-ning-oliy-22-12-2017>
  2. А.В.Тютюник, А.В.Турбанов. Банковское дело. - М.: Финансы и Статистика, 2005 год
  3. А.В.Котов, Формирование и развитие банковской инфраструктуры в России. - Саратов, 2004.
  4. А.В.Котов<sup>3</sup>, Р.Л. Миллер, Д.Д. Ван-Хуз Современные деньги и банковское дело. - М.:ИНФРА-М, 2000 год
  5. С.Р.Моисеев. Денежно-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011год
  6. Ё.Абдуллаев, Т.Қоралийев Ш.Тошмуров, С.Абдуллаева. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД – МОЛИЯ ”, 2009 йил
  7. А.А.Омонов. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Монография, 2-нашри. –Т.: «Иқтисод-Молия». 2010 йил.
  8. О.Мамадиёров, Б.Турсунов. Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантириш истиқболлари. Илмий рисола. –Т.: - «Фан ва технологиялар». 2016 йил.
  9. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий ахборот сайти маълумотлари